**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОЖИБОЕВ АКБАР ЗАФАР ЎҒЛИ**

# СТАРТАПЛАР ФАОЛИЯТИНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**УДК: 347 (043.5) (575.1)**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Тожибоев Акбар Зафар ўғли**
Стартаплар фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш..........................3

**Tojiboev Akbar Zafar o‘g‘li**
Civil-legal regulation of startups’ activity……………………………………...25

**Тожибоев Акбар Зафар угли**
Гражданско-правовое регулирование деятельности стартапов.......................43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**
Список опубликованных работ
List of published works…………………………………………………...…47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОЖИБОЕВ АКБАР ЗАФАР ЎҒЛИ**

# СТАРТАПЛАР ФАОЛИЯТИНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Yu430 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий раҳбар:** | **Окюлов Омонбой,**<br>юридик фанлар доктори, профессор |
| **Расмий оппонентлар:** | **Самарходжаев Ботир Билолович,**<br>юридик фанлар доктори, профессор |
| | **Бозоров Сардор Соҳибжонович,**<br>юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) |
| **Етакчи ташкилот:** | Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти |

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 19 май соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (956-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил «30» апрелда тарқатилди.
(2021 йил «30» апрелдаги 3-рақамли реестр баённомаси).

**И.Р.Рустамбеков**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Д.Ю.Хабибуллаев**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

**С.С.Гулямов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

### КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда стартапларнинг иқтисодиёт тармоқларига замонавий инновацион ечимларни тезкорлик билан тақдим этишда фаол динамикаси кузатилмоқда. Статистик маълумотларга кўра, «ҳар йили дунё бўйича 100 млн. стартаплар ўз фаолиятини бошлайди»[1]. Уларнинг муваффақиятли бўлиши стартап ғоясининг тўғри апробациядан ўтганлиги, самарали бизнес-модел танланганлиги, етарлича молиялаштириш манбасига эгалиги, шунингдек таваккалчилик хавф-хатари даражасининг юқорилиги каби қатор омиллар билан боғлиқ. Бугунги кунда стартап фаолияти тўғри йўлга қўйилиши натижасида дунёнинг йирик компанияларининг қиймати кескин ўсиши кузатилган. Жумладан, Bytedance – 140 млрд, Uber – 90 млрд, Airbnb – 85 млрд, Didi Chuxing – 62 млрд, SpaceX – 46 млрд АҚШ долларига ошган[2]. Буларнинг барчаси стартап фаолиятининг давлатлар миллий иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатаётганлигидан далолатдир.

Жаҳонда стартапларни қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг фаолиятини ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий жиҳатдан таъминлаш, сертификатланган бизнес-инкубаторлар, акселераторлар, бизнес-ангеллар, венчур инвесторлар ва юникорн (unicorn)лар орқали стартапларни молиялаштириш, шунингдек, стартапларни оммавий молиялаштириш (краудфандинг) механизмларини самарали йўлга қўйиш, таваккалчиликни бошқариш ва минималлаштириш ҳамда ушбу соҳага халқаро иқтисодий ҳуқуқ стандартларини қўллаш орқали «ақлли тартибга солиш» моделларини жорий қилиш йўналишларида илмий тадқиқотларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ахборот технологияларини янада такомиллаштириш, рақамли технологияларни иқтисодиётнинг турли тармоқларига кенг жорий этишда стартаплар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, жумладан унинг илмий-назарий асосларини ўрганиш, ҳуқуқий асосларини тизимли равишда шакллантириш ҳамда бу борадаги хорижий тажрибани таҳлил этиш ва жорий этиш бўйича мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»[3] иқтисодиёт, фан ва таълим соҳаларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳаларни ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги Фуқаролик кодекси, 2001 йил 6 декабрдаги «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги, 2014 йил 6 майдаги «Акциядорлик

[1] https://www.statista.com/topics/4733/startups-worldwide/#dossierSummary__chapter1
[2] https://www.statista.com/chart/19317/highest-valued-startup-companies-in-the-world
[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, 2012 йил 2 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, 2015 йил 3 июндаги «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, 2020 йил 24 июлдаги «Инновацион фаолият тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сон «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда стартап фаолияти мустақил тадқиқот предмети бўлмаса ҳам, стартаплардаги интеллектуал мулк ҳуқуқи институтларини такомиллаштириш масалалари билан кўплаб олимлар шуғулланган. Хусусан, О.Окюлов, И.Насриев, Б.Тошев, Н.Имомов, В.Топилдиев, З.Акрамходжаева, Л.Ташпулатова, А.Исфандиёров, С.Сафоева, И.Рустамбеков, А.Ахмедов, Қ.Меҳмонов, Н.Раимовалар томонидан стартаплар фаолиятининг асосларидан бўлган интеллектуал мулкка оид масалалар тадқиқ этилган[1]. Мамлакатимизда стартапларга оид умумий ҳуқуқий қарашлар, стартаплар фаолиятини инновацион фаолият сифатидаги айрим ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари О.Окюлов, Қ.Меҳмонов ва А.Ахмедовларнинг илмий асарларида тавсифланган.

МДҲ мамлакатларида М.Ишаков, А.Орлова, Т.Бондаренко, Е.Исаева С.Евдокимова, М.Кобышев, В.Верниковлар стартапларнинг иқтисодий, ҳуқуқий табиати бўйича, Р.Янковский, Д.Ургановалар стартапларни рўйхатга олиш, солиққа тортиш каби жиҳатлари бўйича тадқиқот ишлари олиб борган[2].

Хорижий мамлакатларда стартаплар институтининг умумий жиҳатлари Eric Ries, Steve Blank, Bob Dorf, Matt Blumberg, Rob Walling, Bob Walsh, Miller Edwin ва бошқалар томонидан, стартапларни тижоратлаштириш, уларга солиқ имтиёзларини қўллаш, стартапларда корпоратив бошқарув ҳамда стартапларни интеллектуал мулк ҳуқуқи билан ҳимоя қилиш каби жиҳатлар Gerard Halt, Bernhard Gold, Carlos Correa, Xavier Seuba, David

---

[1] Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

[2] Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

Heller, Sylvain de Chadirac, Lana Halaoui, Camille Jouvet, James F Jordan , Kono Toshiyuki, Massimiliano Granieri, Andrea Renda, Stephen Barkoczy, Tamara Wilkinson ва бошқалар томонидан, стартапларда таваккалчиликни бошқариш, ундаги технологиялар трансферига оид жиҳатлар эса Paolo Giudici, Peter Agstner , Joseph McCahery, G.Borello, E.Panova, E.Kirby, S.Worner , F.Bertoni ва бошқалар томонидан кенг ўрганилган[1].

Гарчи ушбу олимлар томонидан стартап фаолияти билан боғлиқ у ёки бу масалалар маълум даражада тадқиқ этилган бўлса-да, бугунги кунда стартап фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солинишига оид асосий ва долзарб муаммолар мамлакатимизда ҳали алоҳида тадқиқот объекти сифатида комплекс равишда ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Илмий тадқиқот иши Тошкент давлат юридик унивеститетидаги БФ-1-012 «Инвестиция муҳити жозибадорлигини ошириш ва таваккалчилик хавф-хатарини камайтиришнинг ҳуқуқий механизмини яратишнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш» номли фундаментал грант (2019 – 2021 й.й.) доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда стартаплар фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

стартап тушунчасига оид илмий-назарий қарашлар ва унинг ҳуқуқий табиатини аниқлаш;

стартап ҳуқуқий мақоми ва фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмини шакллантириш бўйича тавсия бериш;

стартап жараёни босқичларига мақсадли таъсир этишни ҳуқуқий таъминлаш масалаларини таҳлил қилиш;

стартап лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид шартнома конструкцияларини қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан тавсиялар бериш;

стартап фаолиятини интеллектуал мулк ҳуқуқи институти механизмлари орқали тартибга солишни аниқлаштириш;

стартап фаолиятини инвестициялашни хорижий давлатлар қонунчилиги билан қиёслаш орқали уни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

стартаплар фаолиятида таваккалчилик хавф-хатарини бошқариш ва минималлаштиришни ҳуқуқий таъминлаш масалаларини тадқиқ этиш;

стартап экотизим субъектлари масъулияти ва юридик жавобгарлик масалаларини тадқиқ қилиш;

[1] Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

Ўзбекистон Республикасида стартаплар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистонда стартаплар фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар тизими ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** стартаплар фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда стартаплар фаолиятида мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

стартап лойиҳа ташаббускори билан Дирекция ўртасида стартап лойиҳанинг инкубация ёки акселерация дастурида иштирок этиши бўйича битим тузиш зарурлиги асосланган;

стартап лойиҳани венчур молиялаштиришда венчур инвестор (Дирекция) стартап лойиҳа муассислари таркибига кириши мумкинлиги асослаб берилган;

стартап лойиҳаларни молиялаштириш буюртмачи, талабнома берувчи (талабгор) ва жамғарма ўртасида тузиладиган кўп томонлама шартнома сифатида эътироф этилиши мумкинлиги асосланган;

стартап лойиҳаларини молиялаштириш тўғрисидаги шартнома тузиш учун талабгор (жисмоний шахс ёки давлат муассасаси) алоҳида юридик шахс (компания) сифатида ҳаракат қилиши лозимлиги асослантирилган;

инновацияларни яратишга доир давлат буюртмаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган тақдирда, уларнинг натижалари давлатга тегишли бўлиши лозимлиги асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

инновацияларни жорий этиш ва амалга оширишда стартапларнинг мавқейини белгилаш учун стартап тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилиб, уни «Инновацион фаолият тўғрисида»ги қонун билан мустаҳкамлаш зарурати асосланган;

миллий инновацион стратегиясида стартаплар фаолияти шаклланишида стартап, стартап фаолияти, стартап компанияси ва уни қўллаб-қувватлаш механизмлари (молиявий, ҳуқуқий, ташкилий)ни ўз ичига оладиган институционал қонунчилик билан тартибга солишда «Стартаплар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилган;

хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили асосида мамлакатимизда стартапнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда Европа модели бўйича стартап компания сифатида талқин этишга оид қарашлар асосланган;

шартномаолди музокаралар институтини такомиллаштириш мақсадида Фуқаролик кодексини опцион шартнома ҳамда шартнома тузиш бўйича музокарага оид нормалар билан тўлдириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган;

мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, шунингдек инновацияларни молиялаштиришнинг махсус шакллари (краудфандинг ва венчур (фондлар, бизнес-ангеллар, бизнес инкубатор ва акселераторлар) молиялаштириш)ни амалга ошириш мақсадида «Инвестиция жалб қилишнинг муқобил усуллари тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш зарурлиги асосланган;

стартаплар фаолиятини молиялаштиришнинг муқобил институтларини шакллантиришда краудфандинг шартномаси, уни тузиш ва расмийлаштиришга оид тушунчалар аппаратини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

стартаплар фаолиятини венчур инвестициялашда кўп қўлланиладиган айирбошланадиган қарз шартномаси (Convertible debt/note) тўғрисидаги нормаларни фуқаролик қонунчилиги билан мустаҳкамланишига оид таклифлар асослантирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари хорижий ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган бўлиб, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий хулоса ва амалий таклифлардан стартаплар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб боришда, шунингдек «Инвестиция ҳуқуқи», «Фуқаролик ҳуқуқи», «Ахборот ҳуқуқи» каби юридик фанларини ўқитиш ва методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти стартаплар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, шунингдек стартаплар амалиётида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

стартап лойиҳа ташаббускори билан Дирекция ўртасида стартап лойиҳанинг инкубация ёки акселерация дастурида иштирок этиши бўйича битим тузиш зарурлигига оид таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 июлдаги 589-сон қарори билан тасдиқланган Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 40-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 3 июлдаги 12/20-6-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши стартап лойиҳанинг инкубация ва акселерация дастурида иштирок этиши бўйича битим тузишга оид муносабатларни самарали ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилган;

стартап лойиҳани венчур молиялаштиришда венчур инвестор (Дирекция) стартап лойиҳа муассислари таркибига кириши мумкинлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 июлдаги 589-сон қарори билан тасдиқланган Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 53-банди биринчи қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 3 июлдаги 12/20-6-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши венчур инвесторларнинг таваккалчилик хатарларини минималлаштиришга ҳамда уларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилган;

стартап лойиҳаларни молиялаштириш буюртмачи, талабнома берувчи (талабгор) ва жамғарма ўртасида тузиладиган кўп томонлама шартнома сифатида эътироф этилиши мумкинлигига оид таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган «Стартап» лойиҳаларни тасдиқлаш, молиялаштириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 25-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 3 июлдаги 12/20-6-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши стартаплар фаолиятини молиялаштириш шартномаларини тузиш тартибларини белгилаш билан бирга, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳага инновацияларни янада самарали жорий этиш учун шарт-шароитлар яратишга хизмат қилган;

стартап лойиҳаларини молиялаштириш тўғрисидаги шартнома тузиш учун талабгор (жисмоний шахс ёки давлат муассасаси) алоҳида юридик шахс (компания) сифатида ҳаракат қилиши лозимлигига оид таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган «Стартап» лойиҳаларни тасдиқлаш, молиялаштириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 26-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 3 июлдаги 12/20-6-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилганлиги стартапларнинг тузилма сифатида фуқаролик муносабатларига тўла киришига, шунингдек учинчи шахс (инвестор, шерик ва б.)ларнинг ҳуқуқлари таъминланишига хизмат қилган;

инновацияларни яратишга доир давлат буюртмаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган тақдирда, уларнинг натижалари давлатга тегишли бўлиши лозимлигига оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 июлдаги ЎРҚ–630-сонли «Инновацион фаолият тўғрисида»ги Қонуни 12-моддасини шакллантириш ва

такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 19 январдаги 5-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилганлиги стартап лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга доир давлат буюртмаси бўйича ҳуқуқий ечимларни ишлаб чиқишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шу жумладан, ОАКнинг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 8 та мақола (1 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация тузилиши кириш, 9 та параграфни қамраб олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмларидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 152 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Инновацияларни ташкил этиш инфратузилмасида стартапларнинг генезиси ва эволюцияси»** деб номланиб, унда стартап тушунчасига оид илмий-назарий қарашлар, унинг ҳуқуқий табиати, стартапнинг ҳуқуқий мақоми ва стартап фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмини шакллантириш масалалари, стартап жараёни босқичларига мақсадли таъсир этишни ҳуқуқий таъминлаш тавсифи таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи стартап тушунчасини таҳлил қилишда кўплаб иқтисодчи (S.Blank, D.Bennet, I.Moroni, E.Ries, В.Верников Т.Бондаренко, Е.Исаева, М.Ишаков, А.Орлова) ҳамда ҳуқуқшунос (Tondo-Kramer, Kyle, Monroe-Sheridan, A. Reid, Bernhard Gold, Paolo Giudici, Peter Agstner, O.Окюлов, А.Ахмедов) олимларнинг фикр ва қарашларидан фойдаланиб, улар билан мунозарага киришган. Стартап ва стартап фаолияти тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифи берилган:

«стартап — инновацион ва технологик янгиликлардан иборат ишланмаларни

жорий этиш ва амалга ошириш учун турли фаолият мақсадларни кўзлайдиган лойиҳа асосида кенгайтириладиган бизнес моделини танлаш учун мўлжалланган вақтинчалик тузилма ёинки оддий ширкат ёки жисмоний шахс кўринишидаги якка тартибдаги тадбиркор».

«Стартап фаолияти — инновацион фаолиятнинг бир кўриниши бўлиб, юқори таваккалчилик шароитларида инновацион бизнес моделни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлайдиган фаолият».

Тақдиқотчи томонидан стартаплар *фаолият мақсадига йўналтирилганлигига* қараб тадбиркорлик ёки ижтимоий мақсадларга мўлжалланиши, *ҳуқуқ субъекти эканлигига* қараб эса тузилма (юридик шахс), ЯТТ ёинки жисмоний шахс кўринишида фаолият олиб бориши мумкин, деган хулосага келинган. Шу ва бошқа асосларга кўра диссертацияда стартапларнинг оддий тадбиркорликдан фарқли жиҳатлари таҳлил қилиниб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Тадқиқотчи АҚШ, Исроил, Корея Республикаси, Франция ва Европада стартапларнинг ҳуқуқий мақомини таҳлил қилган ҳолда, дунёда ушбу масаланинг учта модели илгари сурилишини, бунда Европа модели бўйича «стартап компания», Франция модели бўйича «ёш инновацион компания», «ижтимоий стартаплар», АҚШ модели бўйича «кичик инновацион корхоналар», «инвестиция ширкатлари» каби турлари мавжудлигини қайд этган.

Диссертант томонидан хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилган ҳолда, мамлакатимизда стартап ҳуқуқий мақомини Европа моделига асосланиб «стартап компания» сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинган. Бунда стартап компания қуйидаги белгиларга эга бўлиши лозим, деган таклиф илгари сурилган:

биринчидан, Ўзбекистонда камида сўнгги 5 йил муддат ичида рўйхатдан ўтган юридик шахслар бўлиши;

иккинчидан, молиявий ҳисобот натижаларига кўра, йиллик пул айланмаси базавий ҳисоблаш микдорининг 500 бараваридан кам бўлиши;

учинчидан, асосан ёки фақат технологик таркибий қисмга эга хизматларни ва/ёки маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва тижоратлаштириш билан шуғулланиши;

тўртинчидан, йиллик молиявий ҳисоботга кўра тадқиқот ва ишланмалар учун сарфланган харажатлар умумий харажатларнинг 15 фоизидан кам бўлмаслиги;

бешинчидан, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларнинг рўйхатдан ўтганлиги;

олтинчидан, юридик шахс устав капиталининг камида 70 фоизи жисмоний шахсларга қарашли бўлиши.

Диссертация ишида мамлакатимизда сўнгги йилларда стартаплар ҳуқуқий мақоми, фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмини шакллантиришда стартап жараёнини тартибга солувчи манбаларнинг стихияли тарзда намоён бўлиши, энг муҳими эса жорий қонунчилик билан стартап муносабатларини тўлиқ қамраб олиш ва тартибга солиш имкониятининг мавжуд эмаслиги сабабли соҳага оид янги ва самарали

норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш зарурати асослантирилган. Ўзбекистонда ҳам стартап фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчиликни яратишда ривожланган давлатлар тажрибаси (АҚШ, Корея Республикаси, Англия, Германия, Франция ва б.)га таяниш ҳамда стартаплар билан боғлиқ қонунчилик асосларини белгилашнинг муҳим йўналишлари ва тамойилларини аниқлашда қонунчиликнинг инновацион ва стартап фаолиятига уйғун бўлиши ва унинг ривожланишига кўмаклашиши зарурлиги таҳлил қилинган.

Диссертацияда хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда стартап бизнесини тартибга солувчи «Complexity Theory» (Мураккаблилик назарияси)га кўра стартаплар фаолияти мураккаб жараён ва турли хил институтлардан иборатлигига қарамасдан миллий инновацион стратегиясида стартаплар фаолияти шаклланишида стартап, стартап фаолияти, стартап компанияси ва уни қўллаб-қувватлаш механизмлари (молиявий, ҳуқуқий, ташкилий)ни институционал қонунчилик билан тартибга солиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинган. Шу маънода тадқиқотчи томонидан стартапларнинг ривожи ва истиқболларини белгилашга хизмат қилиши мақсадида мамлакатимизда стартаплар фаолиятини тўғридан-тўғри ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган «Стартаплар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси мазмунини ва қўлланилиш доирасини такомиллаштириш лозимлиги асослантирилган.

Диссертацияда стартап инвестиция жалб этиш жабҳасида беш босқичдан иборат эканлиги, чунончи, бир гуруҳ олимлар (B. Halt Jr., Eric Ries, Steve Blank, Bob Dorf, Matt Blumberg, Rob Walling, Bob Walsh, О.Окюлов) ушбу босқичларни *«уруғлаш» ёки эрта стартап босқичи (seed, or early startup stage), жараённи бошлаш босқичи (startup stage), ўсиш босқичи (growth stage), кенгайиш босқичи (expansion stage), чиқиш босқичи (exit stage)* сифатида баҳолаши қайд этилган.

Тадқиқотчи томонидан стартап босқичларида вужудга келадиган муносабатларни синфлаштириш натижасида стартап лойиҳаларининг фуқаролик ҳуқуқи объекти бўлиши ҳақида хулосага келинган.

Шунингдек, диссертант томонидан мамлакатимизда стартап компания ўз фаолиятини амалга оширишда масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлаш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинган. Бунда стартап лойиҳасига бўлган ҳуқуқлар (муаллифлик ва патент гувоҳномалари, тижорат ахбороти)ни пул баҳосидаги ҳисса кўринишида МЧЖ устав фондига киритиш лозимлиги асослантирилган. Шу билан бирга, диссертацияда стартапларнинг турли босқичларида тузиладиган стартапларни қўшиб олиш шартномалари (*M&A transactions*)нинг хусусиятлари ишлаб чиқилган ҳолда уларнинг ҳуқуқий белгилари аниқлаштирилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Стартаплар фаолиятини ташкил этишда фуқаролик ҳуқуқи институтларини қўллаш»** деб номланиб, унда стартап лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид шартнома конструкцияларини қўллаш, стартап фаолиятини интеллектуал мулк ҳуқуқи институти механизмлари орқали тартибга солиниши, шунингдек стартап фаолиятини инвестициялашнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши

каби масалалар таҳлил қилинган.

Диссертант талқинича, стартап фаолиятида қўлланиладиган шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар моҳиятан ва тузилиш жиҳатдан инновация шартномалари билан ўхшаш саналгани боис стартаплар фаолиятининг аксарият муносабатлари инновация шартномалари асосида ҳам тартибга солинади ҳамда инновация шартномаларининг асосий негизини фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тизими ташкил этади. Шу боис диссертант томонидан инновация шартномалар моҳиятидан келиб чиққан ҳолда стартаплар фаолиятида ғоя босиқичидан то стартапни тугатишгача бўлган муносабатларни тартибга солишда учта умумий шартномалар гуруҳи *(стартап лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш)* орқали тизимлаштиришнинг асосий хусусиятлари асослантирилган. Бунда АҚШ, Франция, Германия, Корея Республикаси каби хорижий давлатлар қонунчилигини тадқиқ қилинган ҳолда стартап лойиҳаларини ишлаб чиқишда *илмий тадқиқот, тажриба конструкторлик ва технологик ишлар пудрати шартномаси, муаллифлик шартномалари;* стартап лойиҳаларини амалга оширишда молиялаштириш, хизмат кўрсатиш шартномалари ва ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказишга асосланган *технологиялар трансфери, лицензия шартномалари;* стартап лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда эса *стартап акселерация, бизнес инкубация шартномалари ҳамда опционлар* муҳим ўрин эгаллаши ҳақида таҳлиллар қайд этилган.

Диссертацияда стартапларда ва умуман фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўртасида дастлабки шартнома институтини янада такомиллаштириш мақсадида опцион ва опцион шартномага оид нормалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг $361^1$-моддаси билан бойитилиши таклиф қилинган.Тадқиқотчи томонидан опционлар стартаплар фаолиятида фуқаролик ва меҳнат-ҳуқуқий муносабатларда қўлланиши мумкинлиги асослантирилган.

Диссертацияда стартап лойиҳаларини амалга оширишда технологиялар трансфери фаолиятига оид шартномаларнинг асосий мезони, уларнинг моҳияти ҳамда предмети ушбу соҳадаги олимлар (C.Correa, X.Seuba, K.Toshiyuki, G.B. Halt Jr)нинг фикр ва қарашлари асосида таҳлил қилинган. Тадқиқотчи томонидан стартап лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид шартнома конструкцияларини қўллашда технологиялар трансферига қуйидагича таъриф таклиф этилган: *«технологиялар трансфери – технологияларни унинг эгаси бўлган шахсдан технология ва/ёки унинг таркибига нисбатан мулк ҳуқуқи ва мажбуриятни ифодалайдиган шартнома асосида бошқа шахсга ўтказиш жараёнидир».*

Диссертант томонидан тадқиқот ишида интеллектуал мулк институтларининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда стартап объектларининг ҳуқуқий режими аниқланган. Стартап ишланма (объект)лар интеллектуал мулк ҳуқуқининг муаллифлик ҳуқуқи, патент ҳуқуқи ва ноу-хау режими орқали ҳуқуқий муҳофаза остига олинади, деган хулосага келинган.

Диссертацияда *стартаплар фаолиятини инвестициялаш* тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган ҳамда тадқиқотчи томонидан стартапларни инвестициялаш (молиялаштириш) қуйидаги *иккита шаклда* амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосага келинган: *умумий шакл* (шахсий маблағлар, учинчи шахслар маблағлари эвазига молиялаштириш, қарз-кредит шартномалари, ҳомийлик маблағлари ва ш.к.) ҳамда *махсус шакл* (венчур молиялаштириш, краудфандинг, бизнес инкубаторлар, бизнес-ангеллар ва акселератор томонидан инвестициялаш, қарз банкноталари ва имтиёзли қимматли қоғозлар эмиссияси).

Бундан ташқари диссертацияда стартап лойиҳалари ёхуд умуман инновацион фаолиятни краудфандинг молиялаштиришнинг барча турлари (*ҳомийлик (donation-based crowdfunding), мукофот (reward-based crowdfunding), кредитлаш (credit-based crowdfunding), акциядорлик краудфандинг (equity crowdfunding), роялти краудфандинг (royalty-based crowdfunding)*) таҳлил қилиниб, миллий иқтисодиётимизда стартаплар синфининг шаклланиши ва ривожланишида краудфандинг молиялаштириш воситаларини такомиллаштириш зарурлиги АҚШ, Буюк Британия, Франция, Испания ва Россия каби хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибалари орқали асослантирилган.

Диссертант томонидан хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида юртимизда инновация ва стартапларни краудфандинг ёрдамида молиялаштиришда Россия моделини қўллаш мақсадга мувофиқлиги, бунда бир вақтнинг ўзида қонунчилигимизда акциялаш, роялти ҳамда мукофотлаш каби краудфандинг механизмларини ишлаб чиқиш даркорлиги тўғрисида хулосага келинган.

Тадқиқотчи томонидан стартаплар фаолиятида кенг қўлланиладиган краудфандинг шартномасига қуйидаги муаллифлик ёндашуви илгари сурилган: *«краудфандинг шартномасига кўра инвестор қимматли қоғоз, улуш ёки рақамли ҳуқуққа эгалик қилиш мақсадида махсус платформа оператори ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш мажбуриятини олади, оператор эса тегишли маблағ эвазига инвестиция жалб қилган юридик шахсга қарашли бўлган қимматли қоғоз, улуш ёки рақамли ҳуқуқни инвестор номига ўтказиш ва расмийлаштириш мажбуриятини олади. Краудфандинг шартномаси ёзма (қоида тариқасида электрон) шаклда тузилади ва ваколатли давлат органи томонидан рўйхатга олинади».*

Диссертацияда мамлакатимизда венчур молиялаштириш тизимини самарали ишга тушириш ҳамда ушбу тоифа субъектлар қаторини янада кенгайтириш мақсадида бизнес-ангеллар ҳуқуқий мақомларини белгилаш, бизнес инкубатор ҳамда стартап-акселератор томонидан инвестициялаш механизмларини такомиллаштириш, шунингдек венчур молиялаштириш, акцияларга асосланган краудфандинг (краудинвестинг) каби муқобил молиялаштириш усуллари айирбошланадиган қарз (Convertible debt) шартномалари воситаси ёрдамида амалга ошириш ҳамда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида стартап тизимини жонлантириш, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш

мақсадида **«Инвестиция жалб қилишнинг муқобил усуллари тўғрисида»ги** қонунини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги хулосага келинган.

Диссертациянинг учинчи боби **«Стартаплар фаолияти самарадорлигини таъминлашда фуқаролик-ҳуқуқий таъсир кўрсатиш механизмини шакллантириш»** деб номланиб, унда стартаплар фаолиятида таваккалчилик хавф-хатарини бошқариш ва минималлаштиришни ҳуқуқий таъминлаш, стартап экотизим субъектлари масъулияти ва юридик жавобгарлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасида стартаплар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари таҳлил қилинган.

Диссертант томонидан стартаплар фаолиятига оид таваккалчиликка қуйидагича таъриф ишлаб чиқилган: *«стартаплар фаолиятига доир таваккалчиликлар – стартап фаолият мақсадларига эриша олмаслик, шу жумладан стартап лойиҳанинг бажарилмаслиги эҳтимоли саналади».*

Диссертацияда соҳа олимлари (G.B. Halt Jr., Н.Зайченко, Р.Янковский, О.Окюлов, Н.Имомов, Қ.Меҳмонов)нинг фикр ва қарашларини таҳлил қилиш ва улар билан мунозарага киришиш орқали стартаплар фаолиятида таваккалчилик хавф-хатарини бошқариш ва минималлаштиришни ҳуқуқий таъминлаш воситалари санаб чиқилган. Шу асосида муаллиф стартап таваккалчиликларини бошқариш ва камайтиришда юридик воситаларини қуйидаги гуруҳларга шартли ажратишини таклиф этган: *стартапларнинг интеллектуал мулкка оид фаолиятини текшириш ҳамда фойда бериш салоҳиятини аниқлашни таъминлайдиган юридик ва илмий экспертиза (Due diligence) механизми, мажбуриятларни бажаришни таъминлаш усуллари (кафиллик); шартномавий конструкциялар ҳамда шартли битимлар (оммавий танлов, грант шартномаси, оддий ширкат шартномаси, суғурта, айирбошланадиган қарз (Convertible debt/note))ва краудфандинг механизм).*

Диссертация ишида дастлабки венчур инвесторнинг таваккалчилик хавфини компенсация қилиш мақсадида айирбошланадиган қарз шартномаси бўйича учта: *сўнгги тўлов муддати (Maturity Date), чегирма (Discount), баҳолаш чегараси (Valuation Cap) ва кафолат (Warranty)* каби муҳим шартлар алоҳида таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан инвесторнинг таваккалчилик хавф-хатарини бошқариш ва минималлаштириш усулларини қайд этган ҳолда намунавий айирбошланадиган қарз шартномасини ишлаб чиқиш ҳамда краудфандинг механизмидан фойдаланиш лозим, деган хулоса илгари сурилган.

Диссертацияда стартап экотизим субъектлари масъулияти ва юридик жавобгарлиги чегараларини аниқлашда *Asociación Profesional Elite Taxi v Uber Systems Spain SL, Association pour un hébergement et un tourisme professionnels v Airbnb Ireland, Буюк Британиянинг Powa Technologies, «Роснано» АЖнинг «ЭСТО-Вакуум» МЧЖга қарши киритилган даъво иши, Kathryn Loewen v Control Mobile into ҳамда Apple v Samsung* каби хорижий ва миллий суд амалиёти ишлари ўрганилган ҳамда таҳлил қилинган.

Диссертант талқинича, Ўзбекистонда стартаплар фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш бўйича қонунчилик базасини

такомиллаштириш қуйидаги йўналишларда олиб борилиши мақсадга мувофиқ: *а) инновацион сиёсатни амалга оширишда стартаплар мавқейини белгилаш.* Ушбу йўналиш бўйича диссертацияда инновацион сиёсатни амалга оширишда стартапларнинг мавқейини белгилаш мамлакатимизнинг инновация соҳасидаги асосий қонуни билан ҳам алоҳида қайд этилиши мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинган. Шу ўринда, муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Инновацион фаолият тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасини стартап тушунчаси билан тўлдириш таклиф қилинган. *б) интеллектуал мулк натижаларини ҳуқуқий муҳофазасини янада оптималлаштириш.* Ушбу йўналиш бўйича диссертацияда мамлакатимизда ҳам давлат ҳисобидан молиялаштириладиган инновация ва стартап фаолияти натижаларини хўжалик муомаласига жалб этишда АҚШ тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги белгиланган. Шу нуқтаи назардан, «Инновацион фаолият тўғрисида»ги Қонунга тегишли ўзгартириш ҳамда «Стартаплар тўғрисида»ги қонун лойиҳасига давлат томонидан стартап лойиҳаларни молиялаштиришга оид алоҳида қоида киритиш зарур.

Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Инновацион фаолият тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасини еттинчи хатбошига ҳамда мос равишда Ўзбекистон Республикасининг «Стартаплар тўғрисида»ги қонун лойиҳасига давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган инновацион, стартап лойиҳалар натижаларига бўлган ҳуқуқни тақсимлашга оид нормаларни такомиллаштириш юзасидан қоидалар киритиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулосага келинган. *в) стартап фаолиятида шартномаолди музокара институтини такомиллаштириш.* Диссертацияда ушбу йўналиш бўйича стартап ва инвестор муносабатлари доирасида тузиладиган *ўзаро тушуниш меморандуми (Memorandum of Understanding), шартлар ҳужжати (Term sheet)* ёки *хоҳиш тўғрисидаги келишув (Letter of intent)* каби шартномаолди институтларини қонунчилигимизда қўллашнинг ҳамда корпоратив шартнома бўлган жамият иштирокчиларининг ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисидаги шартнома *(Shareholders' agreement),* жамият иштирокчилари ўртасидаги тижорат ахборотларини тартқатмаслик тўғрисидаги шартномалар *(Non-disclosure agreement, NDA)*ни қонунчилигимизда янада такомиллаштиришнинг, шунингдек, стартап технологиясининг бозордаги истиқболи, стартапнинг бизнес-модели ва молиявий, юридик масалаларининг дастлабки текшируви *(ингл. Due diligence, DD)* каби институтларнинг асосий жиҳатлари таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан стартап фаолиятида шартномаолди музокара институтини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини шартнома тузиш ҳақида музокараларга оид $366^1$-модда билан тўлдириш лозим, деган хулосага келинган. *г) стартаплар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини яхшилаш.* Тадқиқот ишида стартап фаолиятни рағбатлантиришда қулай ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш, инновацион лойиҳаларни ҳамда янги ишланмаларни молиялаштириш, инновацион фаолият субъектларига солиқ,

божхона имтиёзлари ва преференциялар бериш орқали амалга ошириш зарурлиги асослантирилган.

## ХУЛОСА

Стартап фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш мавзусидаги тадқиқот иши натижасида қуйидаги илмий-назарий ҳамда амалий таклиф ва хулосалар ишлаб чиқилди:

**I. Илмий-назарий таклиф ва хулосалар:**

1. Стартап ва стартап фаолиятига қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: «стартап — инновацион ва технологик янгиликлардан иборат ишланмаларни жорий этиш ва амалга ошириш учун турли фаолият мақсадларини кўзлайдиган лойиҳа асосида кенгайтириладиган бизнес моделини танлаш учун мўлжалланган вақтинчалик тузилма ёинки оддий ширкат ёки жисмоний шахс кўринишидаги якка тартибдаги тадбиркор». Бунда стартаплар *фаолият мақсадига йўналтирилганлигига* қараб тадбиркорлик ёки ижтимоий мақсадларга мўлжалланиши, *ҳуқуқ субъекти эканлигига* қараб эса тузилма (юридик шахс), ЯТТ ёинки жисмоний шахс кўринишида фаолият олиб бориши мумкин, деган хулосага келинди.

«Стартап фаолияти — инновацион фаолиятнинг бир кўриниши бўлиб, юқори таваккалчилик шароитларида инновацион бизнес моделни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлайдиган фаолият».

2. Стартапларнинг одатий тадбиркорликдан асосий фарқлари кўрсатиб берилди. Бизнингча, стартаплар қуйидаги ҳуқуқий белгилари билан бошқа турдаги тадбиркорлик субъектларидан фарқланади:

- инновацион фаолиятнинг алоҳида кўриниши;
- илмий-ижодий фаолият натижасида яратиладиган интеллектуал мулк натижаларининг мавжудлиги;
- юқори таваккалчилик хавф-хатарининг мавжудлиги;
- фаолиятининг бош мақсади фойда олиш, кенгайиш (маштаблашиш) билан бир қаторда ижтимоий-социал мақсадларни қўллаб-қувватлаши;
- инновацион инвестициянинг ташкилий-ҳуқуқий шакли;
- илмий-ижодий жараёнга ёинки интеллектуал мулк объектларига асосланган тадбиркорлик фаолияти;
- юридик шахс ёинки ЯТТ кўринишида стартаплар билан бирга стартап иштирокчиларнинг асосий қисми бўлган жисмоний шахслар тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан ўз фаолиятини олиб бориши.

3. Хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда стартап бизнесини тартибга солувчи «Complexity Theory» (Мураккаблилик назарияси)га кўра стартаплар фаолияти мураккаб жараёни ва турли хил институтлардан иборатлигига қарамасдан миллий инновацион стратегиясида стартаплар фаолияти шаклланишида стартап, стартап фаолияти, стартап компанияси ва уни қўллаб-қувватлаш механизмлари (молиявий, ҳуқуқий, ташкилий)ни институционал қонунчилик билан тартибга солиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинди.

